



ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Халилов Дониёр Абдулаззат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жазони ижро этиш фаолияти кафедраси ўқитувчиси.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7996787>

ARTICLE INFO

Received: 26th May 2023

Accepted: 30th May 2023

Online: 31th May 2023

KEY WORDS

Ривожланиш
тенденциялари, жазони
ўташдан муддатидан
илгари шартли озод
қилишни
такомиллаштириш,
жазодан озод қилиш.

ABSTRACT

Мақолада мамлакатимизда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институтининг тарихий ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган, хусусан тарихан шу кунга қадар ушбу институтни қўллаш тартиби, қоидалари, хусусиятлари кўриб чиқилган, мазкур масалада олимларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазо қўлланилиш жараёни жазо белгилаш, унинг ижро этилиши, жазони ўташдан озод қилиш ва жазо ижросини тугатиш каби босқичларни ўз ичига олади. Жазони ўташдан озод қилиш босқичларидан бири жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институтининг асл моҳияти, ҳуқуқий табиатини англаш учун унинг вужудга келиш босқичлари, бунга сабаб бўлган омилларни аниқлаб олиш зарур. Шу сабабдан ҳам, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг ҳуқуқий табиатини англашнинг воситаларидан бири сифатида ушбу институтнинг ривожланиши масаласини кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиёнинг дастлабки ёзма манбаларидан бири қадимги халқларнинг ҳуқуқий қарашларининг ўз ифодасини топган “Авесто”да жазодан озод қилиш ҳолатлари мавжуд бўлган [1]. Жиноятчи шахс маълум бир мажбуриятларни адо этиши билан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган. Жумладан, ўлим жазосига ҳукм қилинган зинокор 14 та ариққа кўприк солиб бериш билан ўз гуноҳларини ювиши мумкин бўлган [2]. “Авесто”да бу ва бошқа жиноятларга бериладиган жазо ёки уларни ҳар хил мажбуриятлар ҳамда жарималар билан алмаштириш орқали жазони ўташдан шартли озод қилишнинг аниқ меъёри ёхуд мезонлари белгилаб қўйилган [3].

Мамлакатимиз ҳудудидаги феодал давлат тузилмаларида, яъни Хива ва Қўқон хонлиги ҳамда Бухоро амирлигида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тизими одат нормалари билан биргаликда, диний–исломий қарашлар сингдирилган шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган [4]. Ислом дини кириб



келгунга қадар Марказий Осиё давлатлари халқлари бир неча динга: зардуштийлик, христианлик, монийлик ва буддавийликка эътиқод қилган. Туркий халқлар ичида қайси динга эътиқод қилишига қараб, зардуштийлик, будда, манехейлик динларининг муқаддас китоблари, одат ҳуқуқлари, ҳоқон ва жабғуларнинг буйруқ, фармон ва бошқа ҳужжатлари бўлганлиги, улар асосида турли ҳуқуқий жиҳатдан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш муносабатлари тартибга солинганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди.

Жумладан, Турк ҳоқонлигида қадимий туркларнинг одатига кўра, аёл киши – она ниҳоятда қадрланган. Турк одат ҳуқуқларига кўра, хотин–қизлар тўла ворислик ҳуқуқига эга бўлганлар – қонун аёлларни қаттиқ ҳимоя қилган. Агар бирор эркак аёлнинг номусига тегса, эркак ўлимга маҳкум қилинган. Номусга тегиш энг оғир жиноятлар (қўзғолон, хоинлик, одам ўлдириш, йўлга шайлаб қўйилган отни ўғрилаш) билан бир қаторга қўйилган. Бироқ айбдор эркак номусга тегилган қизга уйланиш шарти билан ўлим жазосидан озод қилинган [5].

Ислом дини кириб келиши билан аҳолининг мусулмон саналган қисми мусулмон бўлмаган қисмига нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш масаласида имтиёзларга эга бўлган. Хусусан, мусулмон бўлмаган шахс жиноят содир этса ҳамда жазо чораси белгиланганидан сўнгра ислом динини қабул қилган тақдирда унинг жавобгарлиги енгиллаштирилган ёки шартли озод қилинган [6]. Шунингдек, ушбу масалада эркаклар аёлларга нисбатан устун ҳисобланган. Сабаби эркак кишининг аёл кишидан баъзи хусусиятларида ортиқ қилиб яратганлиги тафсирланган [7].

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда учта давлат Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари мавжуд эди. Ушбу даврда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш масалалари ҳам шариатга мувофиқ ҳал қилинган. Олий суд ҳокимияти жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш масаласида сўзсиз равишда хон ва амирнинг назорати остида иш юритган [8].

Собиқ иттифоқнинг 1918 йил 30 ноябрдаги “Суд тўғрисидаги декрет” билан тасдиқланган Халқ суди тўғрисидаги Низомнинг 23–моддасига кўра, халқ суди ҳар қандай жазо туридан муддатидан илгари шартли равишда ёки тўлиқ озод қилиш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлди [9]. 1921 йил 21 мартдаги “Озодликдан маҳрум қилиш ва маҳкумларни шартли равишда озод қилиш тартиби тўғрисида”ги қарорига кўра жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар ўталмаган муддатининг қисмида такроран янги жиноят содир этилган тақдирда жазо тайинлаш қоидалари тартибга солинди [10]. Шунингдек, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни бекор қилиш қонунчилик билан мустахкамланди. Жумладан агар маҳкум жазонинг ўталмаган қисми давомида шу турдаги ёки шунга ўхшаш жиноят содир этган бўлса, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш бекор қилинган [11]. Совет тузуми учун хавfli деб топилган шахсларни жазодан муддатидан илгари озод қилишгача бўлган умумий тамойиллари қарорда белгилаб қўйилди [12].

Ушбу давр ҳуқуқий манбаларида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қонунчиликлари киритилиши биринчидан, маҳкумларни яхши хулқ–атворга ва меҳнатга виждонан муносабатда бўлишга ундайди; иккинчидан, қамоқхоналарда



тартиб–интизомни сақлашга ёрдам беради; учинчидан, қамоқхона маъмуриятига маҳкумларни ахлоқан тузатишга қаратилган самарали воситалари билан таъминлади; тўртинчидан, ҳар бир жиноятчининг айбига қараб жазони индивидуаллаштириш имконини берди деб ҳисоблашган.

1926 йил 16 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг биринчи Жиноят кодексидаги [13] жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти 1922 йилда қабул қилинган Жиноят кодексидан қўйидаги жиҳатлари билан фарқ қилди, яъни биринчидан муддатидан илгари шартли озод қилиш мумкин бўлган жазо турларининг рўйхати кенгайтирилди; иккинчидан жазодан озод қилишга тақдим этиш тартиби ўзгартирилди; учинчидан маҳкум жазодан муддатидан илгари шартли озод бўлиши учун жиноий жазонинг учдан бир қисмини ўташи кераклиги лозим бўлди; тўртинчидан маҳкум жазонинг ўталмаган муддатида мазкур жиноятдан ижтимоий хавфлилик даражасига кўра оғир турдаги янги жиноят содир қилган тақдирдагина суд ўталмаган муддатни умумий муддатга қўшиб ҳисоблаган [14].

1959 йил 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Умумиттифоқ қонунлари асосида янги Жиноят кодекси қабул қилинди [15]. Мазкур кодексга асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институтини қўллаш учун маҳкум намунали хулқда ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши лозим бўлган. О.Х.Расулев ушбу институтни қўллаш учун, биринчидан маҳкум намунали хулқ ва меҳнатга ҳалол муносабати билан ўзининг тузалганлигини исбот қилган бўлиши, иккинчидан маҳкум тайинланган жазонинг қонунда белгиланган қисмини ўтаган бўлиши керак деб такидлайди [16]. Ушбу фикрдан келиб чиқиб Ф.А.Ахмедов маҳкум жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш жазонинг характери ва муддатига қараб, қонунда белгиланган қисмини, яъни камида ярмини, учдан икки қисмини ёки тўртдан уч қисмини ўтаган бўлса қўлланилади деб тўлдиради [17]. Олий Суд Пленумининг 1961 йил 4 мартдаги “Маҳкумларни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш оид суд амалиёти ҳақида”ги қарорида жазодан муддатидан илгари озод қилиш масаласи суд томонидан кўрилганда, маҳкум жазонинг қонунда кўрсатилган қисмини ўтаганлиги, шунингдек унинг тузалганлигидан далолат берувчи намунали ахлоқи ва меҳнатга ҳалол муносабати эътиборга олиниши кераклиги назарда тутилган. Исботлаш маҳкум тайинланган жазонинг қонунда белгиланган қисмини ўтагандан кейингина ҳисобга олиниши эмас, яъни умумий муддатдаги жазони ўташ даври билан баҳоланган. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг соддалаштирилиши кўпроқ тарбиявий аҳамият касб этиб, маҳкумни меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш ва намунали хулқ–атвори билан ўзини тузалиш йўлига ўтганини исботлашга мажбур эта бошлади [18].

Жазони ижро этаётган маҳкум намунали хулқи ва меҳнатга ҳалол муносабати билан ўзининг тузалганлигини исбот қилган тақдирдагина унга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин бўлган. Қ. Мирзажонов жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг қўйидаги асосий белгилари ҳақида тўхталиб ўтади: муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши учун жиноят қилган шахснинг айбдорлиги тўғрисида хабардор органларнинг асосланган



хулосаси бўлиши керак; шахс жиноий жавобгарликдан эмас, балки фақат жиноий жазони ижро қилишдан озод қилинади, муддатидан илгари жазодан озод қилиш фақат жиноий жазо мақсадига тўсқинлик қилмаган ва аксинча, унга ёрдам берган тақдирдагина қўлланилади; муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши шахсни узоқ вақт давомида назорат қилиб бориш ҳамда жиноий жазо таъсирини мустаҳкамлаш ва уни охиригача етказиш учун мазкур шахсга ёрдам бериш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширилишини кўзда тутди [19].

Хулоса ўринда шуни айтиш мумкинки, Республикамизда 1954 йилга келиб қайта тикланган жазони муддатидан илгари шартли озод қилиш институтининг ҳуқуқий табиатига дифференциация ва индивидуаллаштириш жорий қилинди. Сабаби эндиликда ушбу институтни қўллашда мумкин бўлган чегара ва ҳар бир маҳкумга яқка тартибдаги ёндашув талаб қилина бошланди. Шунингдек, ушбу институт тузилиши жиҳатдан қуйидаги асосий ва қўшимча мезонлар ажратилди. Асосий мезонларга *биринчидан*, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш мумкин бўлган жазо турлари; *иккинчидан*, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш мумкин бўлмаган шахслар ёки жиноят тури; *учинчидан*, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг шартлари; *тўртинчидан*, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш учун асослар. Қўшимча мезонларга *биринчидан*, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш тартиби; *иккинчидан*, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларни назорат қилиш; *учинчидан*, жазонинг ўталмаган муддати давомида маҳкум томонидан шартн бузлиган тақдирда унинг ҳуқуқий оқибатлари белгиланди. Асосий ва қўшимча мезонларга ажратишимиздан яна бир сабаби шундаки, асосий мезон ўзида ахлоқан тузатиш механизмини қамраб олган бўлса, қўшимча мезон унинг профилактикаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги Жиноят кодексига [20] мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти таркибидан жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74-м.) ва касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (ЖК 75-м) институтлар алоҳида модда сифатида ажратилди. Шунингдек, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ашаддий ва оддий жиноятчиларни жавобгарлиги дифференциялаштирилган ҳолда жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг янги турлари киритилган бўлсада [21], бироқ ушбу институтни қўлланиши мумкин бўлмаган шахслар ва жиноятлар доираси кенгайтирилди. Жумладан, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни контрабанда қилиш, шунингдек гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни озгинадан кўпроқ миқдорда ғайриқонуний равишда сотиш учун ҳукм қилинган маҳкумларга ҳам ушбу институтни қўллашга рухсат берилди [22].

Юқоридаги умумий таҳлилларга асосан фикримизча, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти ривожланишининг тарихий жараёнларини Ўзбекистон ҳудудида шартли равишда беш босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. *Биринчи босқич* зороастризм даврининг асосий ҳуқуқий манбаси бўлган “Авесто” да жазодан озод қилишга оид қоидалар. Зардуштийлик даври содир этилган жиноятлар учун мавжуд қатъий қасосли жазо чораларини эркинлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратганлиги билан ҳам ҳарактерланади. Авесто манбаларида келтирилишича



зардуштийлар ибтидоий жамоа тузумига хос бўлган қонли қатъий жазо чораларини ўрнига жазодан илгари шартли равишда озод қилишда жабрланувчи ёки қариндошларига ҳақ тўлаш тартибларини жорий этади [23]. *Иккинчи босқич* ислом дини кириб келиб шариат нормалари амал қилган давр. «Тавба» сўзи луғатда «қайтиш» ва «бурилиш» маъноларини билдиради. Гуноҳдан бурилиб қайтган, уни бутунлай ташлаган бандага нисбатан «тавба қилди» дейилади [24]. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш шартли моддий зарарни қоплаганлиги ёки тузалганлигини исботлаш орқали амалга оширилган. *Учинчи босқич* Чор Россияси даври. Ушбу босқичда жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш институтининг ҳозирги назарияси яратилди. Жумладан, И.Я. Фойницкий, А.А. Пионтковский, Н.С. Тагантсев, С.В. Познышев, С.П. Мокринский ҳамда халқаро криминалистлар иттифоқининг рус гуруҳи аъзолари ва бошқалар ушбу институтнинг жиноят ва пенитенциар қонунчилигида қўллаш учун асосларини яратди [25]. *Тўртинчи босқич* Собиқ Иттифоқ даври. Ушбу босқичда ҳозирги кундаги жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти жорий қилиниши ва ривожланиши босқичига ўтди. Жумладан, муддатидан илгари жазодан озод қилиш жиноятнинг оғирлик даражаси ва жиноятчи шахсини эътиборга олиб қўлланиш шартлари, жазони ўташ вақтида ҳулқ-атворда ибрат кўрсатиш, меҳнат ва ўқишга виждонан муносабатда бўлишга интилиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва тарбиялашнинг янги методларини ривожланишига, озод этилган маҳкумлар учун ижобий истиқболлар яратишга ёрдам берди. Иккинчи жихатдан, шахсларни қайта тарбиялашда эришилган натижаларга қараб жазо қўлланиш билан тарбиявий таъсирнинг интенсивлигини ўз вақтида камайтиришга, уни зарурлигига қараб қўлланиш имкониятини берди. Бироқ, ушбу институтни қўллаш учун асос ва шартлар ҳамда тартиби мураккаблаштирилиб юборилди. *Бешинчи босқич* мустақил Ўзбекистоннинг Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ўз ифодасини топган инсонпарварлик принципи асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти шаклланди. Институт фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиришларнинг моҳияти шундан хулоса қилиш имконини берадики, ҳозирда шартли равишда озодликдан маҳрум қилиш маҳкумлар учун белгиланган жазони ўташ режимига риоя қилишлари учун муҳим рағбат бўлиб, ҳақиқатан ҳам ислоҳ қилинган маҳкумларга жамиятда тезроқ ўзини топиш имконини беришга шунингдек, жазо мақсадларига эришишга, жазони ижро этувчи органларнинг тарбиявий иш натижаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

References:

1. Умаров Б.А. История формирования и развития судебной власти в Республике Узбекистан // Юридический факт. – 2017. – №. 12. – С. 8.
2. Икрамов Р., Сапаров Б., Сапаров А. “Авесто”да ҳуқуқий қарашлар // Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – Б. 806–814.
3. Икрамов Р., Бекмирзаев Н. “Авесто” да қонун ва инсон ҳуқуқлари талқини // Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – Б. 4–11.



4. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Фан.–214 б. Раҳмонов А. Шариатда инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ–Право–Law. – Тошкент,–№ 3. –Б. 79., Мухтасар: Шариат қонунларига қисқача шарҳ. —Т.: «Чўлпон»,–336 б.
5. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: “Адолат”, 2003. – 56 б.
6. Islomov B. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга доир қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихи // O'zbekiston qonunchiligi tahlili. – 2012. – №. 2. – Б. 48–53.
7. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири // Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур; таҳрир хайъати: Абдурашид кори Бахромов, Раҳматуллох кори Обидов, Н. Иброҳимов ва бошқ.; Маъсул муҳаррир: З. Хусниддинов. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2004. – Б. 84.
8. Бакиров Ф. Чор Туркистонида суд, шариат ва одат. –Тошкент: 30–б., Ражабова М.А. Шариатда қозини тайинлаш тартиби // Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол. –Т., 2009. –Б. 37–38.
9. СУ РСФСР. 1918, №85. Ст.889.
10. Кудашева В.В. история развития института условно–досрочное освобождение от наказания // вестник магистратуры. – 2018. – №. 9–2. – С. 97.
11. Орел Л.Е. Условно–досрочное освобождение от лишения свободы по советскому уголовному праву: дис. ... канд. юрид. наук. – Харьков, 1966. – С. 238.
12. Декрет Совета Народных Комиссаров. О лишении свободы и о порядке условно–досрочного освобождения заключенных. № 138. // URL:<https://istmat.org/node/45974> (Электрон манбаган мурожаат қилинган вақт: 09.02.2023 й.).
13. Рустамжон Имамов Ўзбекистонда жиноят қонунчилиги тарихи (XIX аср ўрталари ва XX асрнинг 90–йиллари) // Scientific progress. 2021. №1. // URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-zhinoyat-onunchiligi-tarihi-xix-asr-rtalari-va-xx-asrning-90-yillari> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 02.01.2023).
14. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Жиноят кодекси [1946 йил 1 сентябргача бўлган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан] – Т.: “Ўзбекистон ССР Министерлар Совет Ишлари Мудирлиги”, 1947 й. – Б. 24.
15. ЎзССР суд тузилиши қонуни. Т.: Ўздавнашр, 1959. – 23 б. [Law of the judicial system of the USSR. Т.: Uzdavnashr, 1959. – 23 б.
16. Ўзбекистон ССР жиноят кодексига шарҳлар: [Кодекс тексти 1973 йил 1–январгача киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ҳисобга олиб тузилган.] Маъсул муҳаррирлар: Ф Абдумажидов, М. Восиқова. Т., “Ўзбекистон” Б. 107.
17. Ўзбекистон ССР жиноят кодексига шарҳлар: [Кодекс тексти 1988 йил 1–январгача киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ҳисобга олиб тузилган.] [Абдумажидов Ф.А., Ахмедов Б.А., Ахмедов Ф.А., ва бошқ.; Маъсул муҳаррирлар: Ф.А. Абдумажидов]; Б.Р. Олимжонов таҳрири остида Т., Ўзбекистон, 1988– Б. 137.
18. Уголовно–исполнительное право: Учебник. – М., 1997. – С. 184.
19. Мирзажонов Қ. Совет жиноят ҳуқуқи масалалари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: 1979. 11–12 б.



20. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси (1998 йил 1 иблгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).–Т.:“Адолат”, 1998. – 336 б.
21. Нарбутаев Э.Х. Об основных принципиальных положениях, реализуемых в ходе судебно – правовой реформы // Давлат ва ҳуқуқ. 2003. №2(14). –С. 44–45.
22. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 24 сентябридаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-115–сон қонунига // URL:<https://lex.uz/docs/1253176> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 05.01.2023).
23. Bekzod Abdullayev Ўзбек давлатчилиги ҳуқуқий тизими шаклланишининг тарихий илдизлари. 2020 й. // URL:<https://zarnews.uz/uz/post/ozbek-davlatchiligi-huquqiy-tizimi-shakllanishining-tarixiy-ildizlari> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 05.01.2023 й.)
24. Тавба // URL: <https://islom.uz/maqola/5926> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.01.2023).
25. Евтушенко И.И. К вопросу о формировании института условно–досрочного освобождения в России до октябрьской революции // Успехи современного естествознания. – 2014. – №. 2. – С. 128–131.